

## Хорижий тилларни ўқитишда интеграциявий ёндашув

Абдулазизова Наргиза Мухиддиновна

хорижий тиллар фани ўқитувчиси

Наманган вилояти Туракуртон тумани 40-мактаб

**Аннотация:** Ушбу мақолада фанлараро боғлиқлик асосида ўқитиш билан устоз-шоғирд аъёнларидаги ўзвийликни ўйгунлаштириш таълимда сифат самарадорлигининг муҳим омили эканлиги ҳақида ёритишга ҳаракат қилдим.

**Калит сўзлар:** таълим, хорижий тил, интеграция, ўқитувчи.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда жумладан таълим соҳасида ҳам янги тизим жорий этилиб янги қарор ва фармонлар асосида илғор педагогик инновацион технологияларга асосланган дарслар ташкил этиш давр талаби бўлиб, айниқса, сўнгги йилларда таълимда тўб бурилишлар бўлмоқдаки, буларнинг барчаси ёшларимизнинг порлоқ келажаги дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг обрў ва нуфузини янада кутаришга қаратилган десак муболаға бўлмайди... Зеро, биринчи Президентимиз И.Каримов: "Фарзандларимиз биздан кура кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт," деганларида турли соҳаларда ёшлари мизни Ўзбекистон байроғини юқори кутараётгани, айниқса, халқаро олим пиадларда нуфузли уринларни эгаллашларини, чет тилини билган ёшлари миз эса бутун дунё юзини куриб турли совринли танловларнинг фахрли иштирокчиси бўлаётганларини назарда тутган бўлсалар ажаб эмас. Шундай экан барча соҳалар сингари таълимда ҳам ҳукуматимизнинг хорижий тилларни чуқур ва пухта эгаллашга қаратилган саъйи-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Таълимда предметлараро ёки фанлараро боғлиқлик ҳамма давр да узифодасини топган. "Қалбида шоирлик бўлмаган киши ҳеч қачон математик бўлолмайди", деган эди Пифагор. Яна бир алломанинг "математик қобилияти бор боланинг бошқа соҳаларни ҳам осон ва енгил узлаштира олишига шак-шубҳа йук,"-деган фикрларидан ҳам куришиб турибдики барча фанларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, умумтаълим мактабларида ўқитилаётган барча фанларнинг олдида турган муҳим ва долзарб вазифа фанлараро интеграциялашув асосида ўқитишдир. Хорижий тил фан ўқитувчиларининг вазифаси ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини устириш, эркин фикрлашга ургатиш бўлибгина қолмай, урни келганда тарих, география, физика, биология, кимё, спорт айниқса, мусика, одобнома каби фанларни ҳам ургатишдир. Уз навбати да, тарих, география, физика, биология, кимё, спорт, мусика ва одобнома каби фан ўқитувчиларимиз ҳам ўқувчилар саводхонлиги, нутқи, эркин ва мустақил фикрлашига эътибор бериб хорижий тилда олган билимларига ҳам аҳамият қаратишлари керак. Таълимдаги тўб ўзгаришлар, бу ривожланишлар барчамизни қувонти ради, албатта ва лекин шу билан бирга умумтаълим фан



укутувчиларига анча маъсулиятли вазифаларни ҳам юклашини укутмаслигимиз лозим. Бу укутув чидан янгиликларга интилишни, изланишни, тинимсиз меҳнатни талаб этади. Фанлараро интеграциянинг сифат самарадорлигига ана шундагина эришилади. Хорижий тилда интеграцияни йиллик дастурнинг ҳар бир булимида куриш мумкин у буюк алломалар ҳаёти буладими ёки тили урганилаётган мамлакатнинг тили, дини, адабиёти, тарихи, санъати, мада нияти, географик ва демографик жойлашуви дейсизми ва хатток и рақаму сонлар ва фигуралар билан боғлиқ мавзуларни фанга боғлаб ёритиш укувчида тилга, фанга булган қизиқишини орттиради, бу борадаги билимларини, дунёқара шини янада ривожлантиради. Масалан: Дарсда бир буюк шахс ёки аллома билан боғлиқ биографик маълумотларини урганиш учун бевосита тарих ва география фанлари билан боғлашга туғри келади. Бу буюк шахснинг қайси миллатга мансублиги, нечта тилларни билиши, қайси шаҳарда туғилгани, яшагани каби билимлар географик билимлар билан уйғунлашади ва укувчи лар беихтиёр уша шахсга, у туғилган шаҳарга, унинг пойтахтига, саёҳат қилган шаҳарларига, уларнинг тарихига, маданиятига бевосита ва билвосита қизиқади ва янада чуқурроқ урганиш йулида изланади. Ёки булмасам машҳур санъаткорнинг ижодини урганиш билан унинг қандай оилада туғилгани, қандай тарбия топгани, таҳсил олган укув юртлари ва ижодий жараёнларининг ёритилиши ва машҳурликка элтувчи йулини уз тасавурида, узининг келажаги хақида, булғуси касб эгаси булиши хақида ва бунинг учун ҳар томонлама етук ва баркамол булишликни тушуниб этади. Унда ҳавас ва орзу уйғонади, бунинг баробарида унда ҳаётга муҳаббат асосида келгусидаги аниқ мақсадининг ойдинлашади. Интеграциявий ёнда шувни нафақат фанлараро боғлиқликда балки кадрлар тайёрлаш миллий модулини ҳам оддий мактаб мисолида куришимиз мумкин. Ҳар бир укутувчи уз фанини севиб, иштиёқ билан дарс берар экан у яратувчи, у кашфиёт чига айланади, фаннинг уз мутахассислигининг моҳир устаси, фидоий, жонкуяри булиши билан ёш авлодга, укувчи ёшларга шахсий урناق ва ибрат наъмунаси була олади. Айниқса “Устоз-шогирд” анъаналарида бу яккол кузга ташланади. Ахир халкимиз бежиз “Устозкурмаган шогирд ҳар мақомга йурғалар, “ дейиш маган. Шогирд учун устоз нафақат илм ва билим калити, балки ибратли ҳаёт мактаби ҳамдир. Шундай экан интеграл қиялашув жараёнларини кадрлар масаласига қаратсак, умумтаълим мактабларидаги ёш педагогларга тажрибали устозларнинг шахсий ва касбий ёнда шувини жиддий аҳамият ва эътибор билан сидқидилдан самимий ёндашув ларига эришсак таълимда, айниқса, умумий урта таълимда юксак натижа ларга эришамиз. Ҳар томонлама етук ва баркамол кадрлар тайёрлаш билан жисмоний ва маънавий бақувват, уз билимига ишонган кучли ёш авлодни тарбиялашга, дунё ҳамжамиятида уз урнига, уз овозига эга ёшларни етиш тиришда баҳоли кудрат ҳиссамизни кушишимиз ва уларнинг парвозига қанот булишимиз лозим. Зеро: “Ёшлар келажак бунёдкоридир” Бугунги кун укутувчи-тарбиячиси, “Биз, ёшларга урناق ва ибрат була



оляпмизми?” деган ҳақли саволни узига бериши ва шунинг баробарида уларга ҳар соҳада шахсий урнат ва ибрат намунаси булиш туйғуси билан яшамоғимиз даркор.

### Фойдаланилган адабиётлар:

#### Якка ва бир нечта муаллифлар томонидан яратилган манбаларни расмийлаштириш

1. И.А.Каримов “”Баркамол авлод –Узбекистон тараккиётининг пойдевори” 1997
2. Узбекистон Республикаси ”Кадрлар тайёрлаш тугрисидаги қонун” 1997
3. Ж.Жалолов ”Чет тиллар уқитиш методикаси“ Фан 1996
4. ”Шахсий ҳаётининг тажрибалар“ 2020

